



ЕДИНАЯ ЭЛЕКТРОННАЯ СИСТЕМА РАЗРАБОТКИ И
СОГЛАСОВАНИЯ ПРОЕКТОВ НОРМАТИВНО-
ПРАВОВЫХ АКТОВ

Проект

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASI QARORI

Товарларнинг (хизматларнинг) бозор нархларидан келиб чиқиб солик базасини аниқлаш

орқали тенг рақобат мухитини яратиш тўғрисида

VQL-2187/24-2

Бозор тамойиллари асосида нарх шаклланиши тизимини самарали амалга ошириш ва солик базасини аниқлашда тенг рақобат мухитини яратиш орқали инсофли солик тўловчилар ва истеъмолчиларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, яширин иқтисодиёт улушкини кисқартириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Куйидагилар:

Ўзбекистон Республикасининг Солик кодексининг 248-моддаси тўртинчи қисмига мувофиқ агар битимнинг нархи товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан паст ёки юқори бўлса, солик органлари солик базасига тузатиш киритишга ҳақли эканлиги;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 августдаги 489-сонли қарорининг 3-иловасига мувофиқ товарларни (хизматларни) бошқа товарларга (хизматларга) айирбошлаб реализация қилишда, юридик шахснинг мол-мулкидан шахсий мақсадларда фойдаланишда ва товарларни (хизматларни) бепул беришда (кўрсатишда) қўшилган қиймат солиги базасини товарларнинг (хизматларнинг) бозор қийматидан келиб чиқиб аниқлаш тартиби тасдиқланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи “Товарларнинг (хизматларнинг) бозор нархидан келиб чиқиб солик базасини аниқлаш тартиби тўғрисида”ги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансан:

товарларнинг (хизматларнинг) бозор нархини аниқлашда фойдаланиладиган усуллар ҳамда уларни қўллаш тартиби;

товарларнинг (хизматларнинг) бозор нархидан келиб чиқсан ҳолда қўшилган қиймат солиги, фойда солиги ва айланмадан олинадиган солик базасини аниқлаш тартиби.

3. Белгилансинки, мазкур қарор талаблари тажриба тариқасида қуйидаги товарларга нисбатан татбиқ этилади:

2024 йил 1 августдан эътиборан – кўчмас мулк обьектлари, биржа ва (ёки) давлат харидлари учун электрон платформаларда сотиладиган товарларга;

2024 йил 1 октябрдан эътиборан – рақамли идентификация воситалари орқали мажбурий рақамли маркировка қилиниши лозим бўлган товарларга.

Солик кўмитаси **2025 йил 1 январга қадар** мазкур тажриба натижаларидан келиб чиқиб, ушбу тартибни барча товарларга (хизматларга) қўллаш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклиф

киритсин.

4. Солик қўмитаси:

а) Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва “Ўзбекистон Республикаси Товар-хомашё биржаси” акциядорлик жамияти **2024 йил 1 июлга қадар**:

давлат харидлари ва биржа савдолари иштирокчилари томонидан тузилган шартнома маълумотларини (хар бир лот ва товарлар номенклатураси кесимида);

давлат харидлари ва биржа савдолари иштирокчилари томонидан тузилган шартномаларнинг ижроси бўйича электрон ҳисобварак-фактура маълумотларини ўзларининг ахборот тизимларини интеграция қилган ҳолда ўзаро реал вақт режимида алманишни йўлга қўйсин.

б) Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги билан биргаликда қарорнинг мазмун-моҳиятини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиб борсин;

в) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **икки ой муддатда** ушбу қарор талабларидан келиб чиқиб, амалдаги қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича норматив-хукукий ҳужжат лойихасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Солик қўмитаси раиси Ш.Д. Кудбиев белгилансин.

Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари – иқтисодиёт ва молия вазири Ж.А. Кўчкоров зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг

Бош вазири

А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2024 йил “___” ____ даги ____-сон карорига
илова

**Товарларнинг (хизматларнинг) бозор нархидан келиб чиқиб солик базасини
аниқлаш тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Солик кодексининг (кейинги ўринларда – Солик кодекси) 248-моддаси тўртинчи қисми талабларининг ижросини таъминлаш мақсадида товарларнинг (хизматларнинг) бозор нархидан келиб чиқиб қўшилган қиймат солиги, фойда солиги ва айланмадан олинадиган солик базасини (кейинги ўринларда – солик базаси) аниқлаш тартибини белгилайди.

Ушбу Низом талаблари қуидагиларга нисбатан татбиқ этилмайди:

Солик кодексига мувофиқ Трансферт нархни белгилашда солик назорати қоидаларига; қимматли қоғозларга ва муддатли битимларнинг молиявий воситаларига доир операцияларга;

нархлари давлат томонидан тартибга солинадиган ва табиий монополия корхоналарининг товар ва хизматларига;

айрим турдаги ижтимоий (шунингдек, референт нарх) товарларга, аҳолининг ижтимоий қатлами учун бозор нархидан паст нархларда сотиладиган товарларга (хизматларга).

2. Ушбу Низомда қуидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

битим нархи – шартнома, электрон ҳисобварак-фактура, онлайн назорат касса техникиси чеклари ёки бошқа ҳисоб хужжатларида акс эттирилган нарх;

ҳисоб хужжатлари – битим, электрон ҳисобварак-фактура, онлайн чек ва бошқа ҳисоб-хужжатлари;

товарларнинг бозор нархи – таққосланадиган иқтисодий (тижорат) шароитларда айнан ўхшаш ёки бир турдаги товарлар бозорида талаб ва таклиф асосида шаклланадиган нарх.

3. Ушбу Низом талаблари солик тўловчилар томонидан реализация қилинган товарларнинг (хизматларнинг) ҳисоб хужжатларида акс эттирилган нархи худди шу (айнан ўхшаш, улар мавжуд бўлмаганда бир турдаги) товар (хизмат) бўйича аниқланган бозор нархидан **25 фоиздан паст ёки юқори бўлган тақдирда қўлланилади**.

Бунда, товарларнинг (хизматларнинг) ҳисоб хужжатларида акс эттирилган нархи аниқланган бозор нархидан **25 фоиздан юқори бўлган ҳолатларда** бозор нархи фақат **импорт қилинган товарларга (хизматларга)** нисбатан **фойда солиги** базасига тузатиш киритишида қўлланилади.

4. Ушбу Низомдан товарларнинг (хизматларнинг) бозор нархидан келиб чиқиб фақат қўшилган қиймат солиги, фойда солиги ва айланмадан олинадиган солик солиш мақсадларида фойдаланилади, товарларни (хизматларни) ҳақиқатда сотилган нархи эса бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилик хужжатларида белгилangan тартибда ҳисобга олинади.

2-боб. Товар ва хизматларнинг бозор нархидан келиб чиқиб солик базасини аниқлаш

учун фойдаланиладиган усуллар ҳамда уларни қўллаш тартиби

5. Солиқ органлари товар ва хизматларнинг бозор нархидан келиб чиқиб солиқ базасини аниқлаш учун қуийдаги усуллардан фойдаланади:

- таққосланадиган бозор нархлари усули;
- кейинги реализация қилиш нархи усули;
- харажат усули.

Бунда, солиқ базасини аниқлаш мақсадида таққосланадиган бозор нархлари усули устувор ҳисобланади.

6. Ушбу Низомнинг 5-бандида назарда тутилган усуллар орқали товар ва хизматларнинг бозор нархидан келиб чиқиб солиқ базасини аниқлаш учун қуийдаги манбалардан маълумотлар олинади:

- биржа нархлари ва котировкалари тўғрисидаги маълумотлар ([UzEx.uz](#));
- электрон платформалар котировкалари ҳақидаги маълумотлари (аукцион ([e-auksion.uz](#)) ва давлат харидлари платформалар ([xarid.uzex.uz](#), [tender.mc.uz](#), [xt-xarid.uz](#), [new.cooperation.uz](#)));
- солиқ органларида мавжуд ахборот тизимлари маълумотлари (электрон-хисобварақ фактура, онлайн назорат касса техникаси чеки, солиқ ва молиявий ҳисбот маълумотлари, шартномалар ва солиқ мажбурияти юзага келганлиги тўғрисидаги маълумотлари);
- сотувчиларнинг нархномалари (прейскурант)даги маълумотлари;
- Божхона қўмитасининг электрон маълумотлари;
- оммавий ахборот воситаларидан олинган нарх тўғрисидаги маълумотлар;
- қонунда назарда тутилган ҳолларда нархларни мустакил белгиловчи ваколатли органларнинг маълумотлари;
- баҳолаш фаолияти тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ёки хорижий давлатлар қонунчилигига мувофиқ аниқланган обьектларнинг бозор нархи тўғрисидаги маълумотлари.

Агар товар ва хизматларнинг нархи кўрсатиб ўтилган манбалarda турлича бўлса, солиқ солиш мақсадларида уларнинг **ўртacha tortilgan қиймати** инобатга олинади.

7. Ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган манба маълумотлари орқали аниқланадиган улгуржи ва биржа савдоларидағи нархлар улгуржи савдо ва ишлаб чиқарувчилар учун, чакана ва давлат харидлари нархлари чакана савдо учун қўлланилади.

Солиқ қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 26 ноябрдаги “Юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 407-сонли қарори ҳамда солиқ органлари маълумотлари базаси асосида корхоналарнинг фаолият турини (улгуржи ва чакана) аниқлаган ҳолда товар ва хизматларнинг улгуржи ва чакана бозор нархлари тўғрисидаги маълумотларни ҳамда уларнинг манбаларини худудий солиқ органларига етказилишини таъминлайди.

Товар ва хизматларнинг улгуржи нархини аниқлашда биржа нархлари ва котировкалари тўғрисидаги маълумотларга устунлик берилади.

8. Тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича сотилган товарлар (хизматлар) нархи сотиш санасидаги биржа савдоларида айнан ўхшаш (улар мавжуд бўлмаганда бир турдаги) товар ва хизматлар нархидан фарқ қиласа, солиқ базасини аниқлашда **биржа савдосида сотилган товар ва хизматларнинг нархи (котировка)** кўлланилади.

9. Товар ва хизматларни сотиш санасида **биржа савдоларида айнан ўхшаш (улар мавжуд бўлмаганда бир турдаги) товар ва хизматлар сотилмаган тақдирда**, солиқ базасини аниқлашда биржа савдоларида ҳафта мобайнида сотилган товар ва хизматларнинг ўртача тортилган нархи, ҳафталик маълумот мавжуд бўлмаган тақдирда, ойлик сотилган товар ва хизматларнинг ўртача тортилган нархи (котировкаси) кўлланилади.

10. Тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича сотилган товар ва хизматларнинг ўртача бозор нархи биржа маълумотлари асосида аниқлашнинг имкони мавжуд бўлмаган тақдирда, **давлат харидлари бўйича маҳсус ахборот порталида тузилган битимларнинг нархидан** келиб чиқиб 9-бандда назарда тутилган тартибда аниқланади.

11. Биржа ёки давлат харидлари бўйича маҳсус ахборот порталида тузилган битимлар тўғрисидаги маълумотлар асосида товар ва хизматларнинг ўртача бозор нархини аниқлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда, **ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган манба маълумотларидан фойдаланган ҳолда аниқланади**.

12. Юридик шахслар томонидан реализация қилинган уй-жой ва нотурап жой (бирламчи) обьектларнинг бозор нархи тақкосланадиган бозор нархлари усулидан фойдаланган ҳолда ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган манба маълумотларидан аниқланади.

Бунда, нархларни таққослашда уй-жой ва нотурап қўчмас мулкнинг жойлашган жойи, курилган йили, уй қаватлари, таъмиранганик даражалари хисобга олинади.

13. Таққосланадиган бозор нархлари усулидан фойдаланган ҳолда товар ва хизматларнинг ўртача тортилган бозор қиймати орқали қуйидаги формула асосида аниқланади:

$$\text{Ўртача тортилган бозор нархи} = (X_1 * Y_1 + X_2 * Y_2 + \dots + X_n * Y_n) / (X_1 + X_2 + \dots + X_n), \text{бунда:}$$

$X_{1,2,\dots,n}$ – кун (ҳафта, ой) давомида ҳар бир битим бўйича сотилган товарлар (хизматлар) ҳажми;

$Y_{1,2,\dots,n}$ – кун (ҳафта, ой) давомида ҳар бир битим учун сотилган товарларнинг (хизматларнинг) нархи.

14. Агар таққосланадиган усульдан фойдаланган ҳолда бозор нархини аниқлашнинг имкони бўлмаган тақдирда, солиқ органлари қуйидаги баҳолаш усулларидан фойдаланишга ҳақли:

кейинги реализация қилиш нархи усули;

харажат усули.

15. Кейинги реализация қилиш нархи усулига қўра, сотувчи томонидан сотилган товарларнинг бозор нархи ушбу товарларни харидор томонидан кейинги сотиш (қайта сотиш) пайтида сотилган нарх ва ушбу харидор томонидан қайта сотиш пайтида қилинган сотиш билан боғлиқ бўлган харажатлари (товарларни сотиб олиш қиймати бундан мустасно) ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Бунда, кейинги сотиш (қайта сотиш) нархлари солиқ органларида мавжуд ахборот тизимлари маълумотлари ва солиқ тўловчининг ҳисоб ҳужжатлари асосида аниқланади. Мазкур

банд қоидалари хизматларга ва чакана савдога нисбатан татбиқ этилмайди.

Кейинги реализация қилиш нархи усулига кўра бозор нархи қўйидаги формула билан аниқланади:

$BN = S - SX$, бунда:

BN – бир бирлик товарнинг бозор нархи;

S – бир бирлик товарнинг кейинги сотувчи томонидан реализация қилиниш (қайта сотиш) қиймати;

SX – бир бирлик товарга тўғри келадиган кейинги сотувчининг сотиш харажатлари.

Сотиш харажатлари тўғрисидаги маълумотлар Солик кодексининг 147-моддасига асосан солик органлари томонидан харидордан белгиланган тартибда талаб қилиб олинади.

16. Агар ушбу Низомнинг 15-бандида белгиланган усулда бозор нархларини аниқлаш имкони бўлмаса, солик органлари харажат усулидан фойдаланишга ҳакли.

17. Харажат усулига кўра, бир бирлик товарни (хизматни) ишлаб чиқаришдаги ва (ёки) сотишдаги жами харажатлар (материал харажатлари, иш ҳақи харажатлари ва бошқа операцион харажатлар) ва шундай фаолият соҳасига тегишли фойда йиғиндиси сотилган товарнинг (хизматнинг) бозор нархи сифатида эътироф этилади.

Ушбу усулга мувофиқ бозор нархи қўйидаги формула билан аниқланади:

$BN = SX + Fr$, бунда:

BN – бир бирлик товарнинг бозор нархи;

SX – сотувчининг бир бирлик товарга тўғри келадиган жами харажатлари (материал харажатлари, иш ҳақи харажатлари ва бошқа операцион харажатлар);

Fr – сотувчининг бир бирлик товарга тўғри келадиган фойдаси.

Фаолият соҳа фойдаси – жами харажатлар ва тегишли рентабеллик даражаси кўпайтмаси сифатида аниқланади.

18. Чакана савдода товарларнинг бозор нархи солик органлари томонидан мазкур Низомнинг 6-бандида белгиланган манба маълумотларидан ёки назорат харидига оид хужжатларда қайд этилган нархлардан фойдаланган ҳолда ўртача тортилган бозор нархи аниқланади.

Товарнинг ўртача тортилган бозор нархини ҳисоблашда чакана савдо обьекти жойлашган худуд, тез эскирувчи ва мавсумий тусдаги маҳсулотлари учун корхона бухгалтерия хужжатлари билан тасдиқланган нархларга чегirma ҳисобга олинади.

3-боб. Товар ва хизматларнинг бозор нархидан келиб чиқсан холда солик базасини аниқлаш тартиби

19. Товарларни (хизматларни) реализация қилиш нархи солиқ солиш мақсадида қўлланиладиган **бозор нархидан паст эканлиги аниқланса** солик органлари томонидан қўлланиладиган бозор нархи ва солик тўловчининг реализация нархи ўртасидаги ижобий фарқ бозор нархидан паст сотилган товарлар (хизматлар) ҳажмига кўпайтирилади ҳамда хосил бўлган сумма солик базасига киритилади.

20. Импорт шартномаларида товарларни (хизматларни) харид қилиш нархи солиқ органлари томонидан қўлланиладиган **бозор нархидан юқори эканлиги аниқланса**, солиқ органлари томонидан таққосланадиган бозор нархлари усули орқали аниқланадиган бозор нархи ва солиқ тўловчининг харид нархи ўртасидаги салбий фарқ бозор нархидан юқори харид қилинган товарлар (хизматлар) ҳажмига қўпайтирилади ҳамда ҳосил бўлган сумма фойда солиги солиқ базасига киритилади.

21. Солиқ базасини бозор нархи асосида аниқлашга доир МИСОЛЛАР ушбу Низомга иловада келтирилган.

4-боб. Якунловчи қоидалар

22. Солиқ тўловчи солиқ органлари томонидан қўлланилган бозор нархидан норози бўлган тақдирда товар ва хизматларини ҳисоб хужжатларида қайд этилган реализация нархи бўйича давлат харидлари орқали сотиш мажбуриятини олади.

23. Солиқ тўловчи солиқ органлари томонидан солиқ солиш мақсадида аниқланган товарларнинг (хизматларнинг) бозор нархидан норози бўлган тақдирда, товарларнинг (хизматларнинг) бозор нархини аниқлаш бўйича бошқа экспер特 жалб қилиш хуқуқига эга.

Солиқ тўловчи битимнинг нархи бозор нархларига мувофиқлигини ва солиқ тўлашдан бўйин товлашга қаратилмаганлигининг асосларини тақдим этиш йўли билан солиқ органларининг солиқ базасига тузатиш киритиш тўғрисидаги қарори юзасидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

Солиқ органлари товар ва хизматларнинг бозор нархини аниқлаш учун тегишли ҳудудда назорат харидини амалга оширишга ҳақли.

24. Ушбу Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик хужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Илова

Битим нархи бозор нархидан паст бўлган ҳолатларда тақкосланадиган бозор нархи усули орқали солик базасини аниқлаш

1-мисол. Автомобиль шинаси реализацияси бўйича.

Реализация қилинган товарнинг номи	Товарнинг реализация қиймати (минг сўмда)		Реализаци я қилинган товар хажми (минг дона)	Солик базаси (Бозор нархи бўйича, млн. сўм)	Солик базаси (Корхона ҳисоботи бўйича, млн. сўм)	Камайтири б кўрсатилга н солик базаси	Кўшилга н қиймат солиги	Фойда солиги
	Товарнинг бозор нархи (товар хом ашё биржас маълумоти)	Товарнинг ЭХФдаги нархи						
Автомобиль шинаси	500	100	100	50 000	10 000	40 000	4 800	6 000

Солик органлари маълумотлар базасида (ЭХФ дастури) “А” корхона томонидан 10 та “NEXEN 14R 165X205” русумли автомобиль шинасини “В” корхона билан тўғридан-тўғри шартнома тузиб, бир донасини 100 минг сўмдан жами 1,0 млн. сўмга реализация қилинганлиги бўйича 2023 йил 1 сентябрь куни электрон ҳисобварак-фактура расмийлаштирилган.

Товар хом-ашё биржа маълумотлари ўрганилганда 2023 йил 1 сентябрь куни “С” корхона томонидан “NEXEN 14R 165X205” автомобиль шинасининг бир донасини 500 минг сўмдан 20 дона товарни сотиш бўйича битим тузилганлиги маълум бўлди (*бунда, agar ҳудди шу русумдаги товарни реализация қилиши бўйича шу санада бир қанча битим тузилган бўлса, бозор нархи сифатида ушбу товарнинг ўртача нархи олинади*).

Юқоридагиларга асосан, “А” корхона томонидан солиқни камроқ тўлаш мақсадида **бир дона** товарни сотишдан тушган тушумни 400 минг сўмга (*биржаса нархи 500 000 сўм – ЭХФ нархи 100 000 сўм*) камайтириб кўрсатилган. 2023 йилда ЭХФ дастури орқали ўрганилганда “А” корхона жами 100 минг дона “NEXEN 14R 165X205” автомобиль шинаси реализация килганлиги аниқланди. Шундан келиб чиқиб, солик базаси товарларнинг **бозор нархи** (*биржаса нархи*) асосида ҳисобланганда:

$$500 \text{ минг сўм} (\text{биржаса нархи}) * 100 \text{ минг дона} = 50 \text{ млрд. сўмни ташкил қиласи.}$$

Корхона томонидан ҳисоботда кўрсатилган солик базаси:

$$100 \text{ минг сўм} (\text{ЭХФ нархи}) * 100 \text{ минг дона} = 10 \text{ млрд. сўмни ташкил қиласи.}$$

Бундан камайтириб кўрсатилган солик базаси:

$$50 \text{ млрд. сўм} - 10 \text{ млрд. сўм} = 40 \text{ млрд. сўмни ташкил қиласи.}$$

Камайтириб кўрсатилган тушумдан солиқлар қўшимча ҳисобланди:

$$\text{КҚС} = 40 \text{ млрд. сўм} * 12 \% \text{ставка} = 4,8 \text{ млрд. сўм};$$

Фойда солиғи = 40 млрд. сўм * 15%ставка = 6 млрд. сўм;

Жами 10,8 млрд. сўм қўшимча соликлар ҳисобланниши лозим.

Агар “А” корхона **айланмадан олинадиган солик (АОС)** тўловчи ҳисобланса камайтириб қўрсатилган солик базаси

АОС = 40 млрд. сўм * 4 % ставка= 16,0 млн. сўм солик қўшимча ҳисобланниши лозим.

Шунингдек, Солик кодексининг 223-моддасига асосан белгиланган тартибда молиявий жарима қўлланилади.

2-мисол. Автомобиль аккумулятори реализацияси бўйича

Реализация	Товарнинг реализация қиймати (минг сўмда)		Реализаци я қилинган товар ҳажми (минг дона)	Солик базаси (Бозор нархи бўйича, млн. сўм)	Солик базаси (Корхона ҳисоботи бўйича, млн. сўм)	Камайтири б кўрсатилга н солик базаси	Кўшилган қиймат солиги	Фойда солиги
қилинган товарнинг номи	Товарнинг бозор нархи (товар хом аиш биржса маълумоти)	Товарнинг ЭХФдаги нархи						
Аккумулято р	700	200	200	140 000	40 000	10 000	12 000	15 000

Солик органлари маълумотлар базасида (ЭХФ дастури) “А” корхона томонидан 200 та “Delkor 40АН” русумли аккумулятор “В” корхона билан тўғридан-тўғри шартнома тузиб, бир донасини 200 минг сўмдан жами 4,0 млн. сўмга реализация қилинганлиги бўйича 2023 йил 11 декабрь куни электрон ҳисобварак-фактура расмийлаштирилган.

Биржада шу русумдаги товар реализацияси бўйича битим тузилмаганлиги сабабли, давлат харидлари портали маълумотлари ўрганилди. Бунда, 2023 йил 13 декабрь куни “С” корхона томонидан “Delkor 40АН” аккумуляторнинг бир донасини 600 минг сўмдан 50 дона, 14 декабрь куни 700 минг сўмдан 100 дона ва 15 декабрь куни 650 минг сўмдан 200 донасини сотиш бўйича битим тузилганлиги маълум бўлди.

Аккумуляторнинг бир ҳафта ичида реализация қилинган ўртача биржа нархини аниқлаймиз:

13 декабрь куни 600 минг сўм * 50 дона = 30 млн. сўм;

14 декабрь куни 700 минг сўм * 100 дона = 70 млн. сўм;

15 декабрь куни 650 минг сўм * 200 дона = 130 млн. сўм;

Жами бир ҳафта давомида 350 дона 230 млн. сўмлик реализация қилинган.

Бунда бир дона товарнинг **ўртача тортилган нархи** 230 млн. сўм / 350 дона = 657 минг сўмни ташкил қиласи.

Шундан келиб чиқиб, солик базаси товарларнинг **бозор нархи** (биржса нархи) асосида ҳисобланганда:

657 минг сўм (*ўртача тортилган биржса нархи*) * 200 дона = 131 млн. сўмни ташкил қиласи.

Корхона томонидан ҳисоботда кўрсатилган солик базаси:

200 минг сўм (*ЭХФ нархи*) * 200 дона = 40 млн. сўмни ташкил қиласи.

Бундан камайтириб кўрсатилган солик базаси:

131 млн. сўм – 40 млн. сўм = 91 млн. сўмни ташкил қиласи.

Камайтириб кўрсатилган тушумдан соликлар қўшимча ҳисобланди:

КҚС = 91 млн. сўм * 12 %ставка= 10,9 млрд. сўм;

Фойда солиғи = 91 млн. сўм * 15%ставка = 13,7 млн. сўм.

Жами 24,6 млн. сўм қўшимча солиқлар ҳисобланиши лозим.

Агар “А” корхона **айланмадан олинадиган солиқ (AOC)** тўловчи ҳисобланса камайтириб қўрсатилган солиқ базаси

AOC = 91 млн. сўм * 4 % ставка= 3,6 млн. сўм солиқ қўшимча ҳисобланиши лозим.

З-мисол. Уй-жойларнинг реализацияси бўйича.

2023-2024 йиллар

Млн. сўм

Товар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Электрон фактура бўйича реализация нархи		Ўртacha бозор нархи		Камайтириб кўрсатилган солик базаси	ККС	Фойда солиги
			нархи	солик базаси	Нархи	солик базаси			
Кўчмас мулк	кв метр	11 257,5	2,9	32 646,75	5,3	59 664,75	27 018	3 242,16	4 052,7

“SSS” корхонаси 2023 йил 15 июнда “А.Д” фуқаро билан олди-сотди шартномасини тузиб 1 кв.метр учун 2,9 млн. сўмдан 1000 кв.метрли хонадонни жами 290 млн. сўмга реализация қилингандилиги бўйича нотариал идорадан 2023 йил 15 июнь куни шартнома тасдиқлангандилиги (электрон ҳисобварак-фактура расмийлаштирилган) тўғрисида маълумот келган.

Ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилган манбалар маълумотлари (ЭХФ дастури, онлайн НКМ чек, интернет сайтлар, ижтимоий тармоқ) ўрганилганда 2023 йил 12 июнь куни “SSS” корхонаси томонидан фуқаро “Ж.Ш”га иқтисодий шароитлари бир хил бўлган 89 кв.метрли хонадон учун 1 кв.метрини 5,3 млн. сўмдан жами 471,7 млн. сўмга сотиш бўйича битим тузилгандилиги тўғрисида маълумот нотариал идорасидан келганлиги маълум бўлди.

Шундан келиб чиқиб, солик базаси товарларнинг **бозор нархи** асосида ҳисобланганда:

5,3 млн. сўм * 1000 кв.м = 5,3 млрд. сўмни ташкил қиласди.

Корхона томонидан ҳисоботда кўрсатилган солик базаси:

2,9 млн. сўм (ЭХФ нархи) * 1000 кв.м = 2,9 млрд. сўмни ташкил қиласди.

Бундан камайтириб кўрсатилган солик базаси:

5,3 млрд. сўм – 2,9 млрд. сўм = 2,4 млрд. сўмни ташкил қиласди.

Камайтириб кўрсатилган тушумдан соликлар қўшимча ҳисобланди:

ККС = 2,4 млрд. сўм * 12 % ставка = 288 млн. сўм;

Фойда солиги = 2,4 млрд. сўм * 15% ставка = 360 млн. сўм.

Жами 648 млн. сўм қўшимча соликлар ҳисобланиши лозим.

4-мисол. Пахта толасининг реализацияси бўйича

2023-2024 йиллар

минг сўм

Товар номи	Ўлчов бирлиги	Микдори	Электрон фактура бўйича реализация нархи		Ўртача бозор нархи		Камайтириб кўрсатилган солиқ базаси	КҚС	Фойда солиги
			нархи	солиқ базаси	нархи	солиқ базаси			
Пахта толаси	Кг	188644,1	15,7	2 961 712	31,4	5 923 424	2 961 712	355 405	444 257

“ААА” МЧЖ томонидан 2023 йил 5 октябрь куни “ВВВ” корхонаси билан тўғридан-тўғри шартнома тушиб, бир килограмм пахта толасини 15,7 минг сўмдан 200 тн пахта толасини жами 3,1 млрд. сўмга реализация қилинганлиги бўйича 2023 йил 5 октябрь куни электрон ҳисобварак-фактура расмийлаштирилган.

Товар хом ашё биржаси маълумотлари ўрганилганда 2023 йил 11 сентябрь куни “ССС” корхона томонидан пахта толасининг бир килограммини 27 минг сўмдан 100 тн, “ДДД” корхона томонидан 20 сентябрь куни 29 минг сўмдан 150 тн, 16 октябрда 32 минг сўмдан 120 тн, 2 ноябрь куни 34 минг сўмдан 280 тн маҳсулотни оли-сотди бўйича битим тузилганлиги маълум бўлди. Пахта толаси биржада бир ҳафта ичида реализация қилинмаганлиги сабабли, бир ой ичида реализация бўйича ўртача тортилган бозор (биржа) нархини аниқлаймиз:

11 сентябрь куни 27 минг сўм * 100 тн = 2,7 млрд. сўм;

20 сентябрь куни 29 минг сўм * 150 тн = 4,3 млрд. сўм;

16 октябрь куни 32 минг сўм * 120 тн = 3,8 млрд. сўм;

2 ноябрь куни 34 минг сўм * 280 тн = 9,5 млрд. сўм;

Жами бир ҳафта давомида 650 тонна 20,3 млрд. сўмлик реализация қилинган. Бундан товарнинг бир килограммининг **ўртача тортилган нархи** 20,3 млрд. сўм / 650 тонна = 31,2 минг сўмни ташкил қиласи.

Шундан келиб чиқиб, солиқ базаси товарларнинг **бозор нархи** (биржса нархи) асосида ҳисобланганда:

31,2 минг сўм (*ўртача тортилган биржса нархи*) * 200 тонна = 6,2 млрд. сўмни ташкил қиласи.

Корхона томонидан ҳисоботда кўрсатилган солиқ базаси:

15,7 минг сўм (*ЭХФ нархи*) * 200 тонна = 3,1 млрд. сўмни ташкил қиласи.

Бундан камайтириб кўрсатилган солиқ базаси:

6,2 млрд. сўм – 3,1 млрд. сўм = 3,1 млрд. сўмни ташкил қиласи.

Камайтириб кўрсатилган тушумдан солиқлар қўшимча ҳисобланди:

КҚС = 3,1 млрд. сўм * 12 % ставка= 372 млн. сўм;

Фойда солиги = 3,1 млрд. сўм * 15% ставка = 465 млн. сўм.

Жами 837 млн. сўм қўшимча соликлар хисобланиши лозим.

Битим нархи бозор нархидан паст бўлган ҳолатларда кейинги реализация қилиш нархи усулини
қўллаган ҳолда солик базасини бозор нархи асосида аниқлашга МИСОЛ

5-мисол. “Обой” маҳсулоти реализацияси бўйича.

минг сўм

Реализация қилинган товарнинг номи	Товарнинг реализация қиймати 1 кв.м учун		Реализаци я килинган товар сотиш (кв.м)	Бир бирлик товарни сотиш харажатлар и (харид нархининг 20 фоизи)	Бозор нархи	Солик базаси (Корхона хисоботи бўйича)	Солик базаси (бозор нархи бўйича)	Камайтири б б кўрсатилга н солик базаси	Кўшилг ан кймат солиги	Фойда солиги
	Товар ни харидорга сотиш нархи (ЭХФдаги нарх)	Харидор томонидан сотиш (кайта нарху)								
1	2	3	4	5	6 (3-5)	7		8	9	10
“Обой” Маҳсулоти	100	300	1 000	20	280	100 000	280 000	180 000	21 600	27 000

Солик органлари маълумотлар базасида (ЭҲФ дастури) “ABC” корхона томонидан 1000 кв.м “Обой” маҳсулотини “BCA” корхона билан шартнома тузиб, бир донасини 100 минг сўмдан жами 100,0 млн. сўмга реализация қилинганлиги бўйича 2023 йил 1 август куни электрон хисобварак-фактура расмийлаштирилган.

Товар хом-ашё биржа, давлат харидлари маълумотлари шунингдек, солик органи маълумотлар базаси маълумотлари ўрганилганда “Обой” маҳсулотини олди-сотди битими тузилмаганлиги аниқланди. Шу сабабли Низомнинг 14-бандига асосан мазкур товарнинг бозор нархини кейинги реализация қилиш нархи усулидан фойдаланиб аниқланди.

Солик қўмитаси маълумотлар базасида “ABC” корхонадан харид қилинган “обой” маҳсулоти “BCA” корхона томонидан 2023 йил 3 август куни “ВДА” корхонага 1 кв.м ни 300 минг сўмдан 1000 кв.м ни 300,0 млн. сўмга реализация қилинганлиги аниқланди.

Солик органи томонидан “BCA” корхонанинг харид қилинган товарлар учун қилинган харажатини Солик кодексининг 147-моддасида белгиланган тартибда талаб қилиб олади.

Натижада, “BCA” корхона томонидан ушбу товарни сотиш учун қилинган харажатлар 20 минг сўмни ташкил қилиши аниқланди.

Шунга кўра, бозор нархи кейинги сотиш нархи 300 минг сўмдан 20 минг сўмни олиб ташлаганда 1 кв.м учун 280 минг сўмни ташкил қиласи (бунда, мазкур маҳсулот биттадан ортиқ харидорларга реализация қилинган бўлса, бозор нархи сифатида ушбу маҳсулотнинг ўртача нархи олинади).

Юқоридагиларга асосан, “ABC” корхона томонидан соликни камрок тўлаш максадида 1 кв.м “обой” маҳсулотини сотишдан тушган тушумни 180 минг сўмга (кейинги сотиш нархи 300 минг сўм – 20 минг сўм сотиш харажати=280 минг сўм) камайтириб кўрсатилган.

Шундан келиб чиқиб, солик базаси товарларнинг **бозор нархи** (кейинги реализация қилиши

нарху) асосида ҳисобланганда:

280 минг сўм (*кейинги реализация қилиши нарху*) * 1000 кв.ма = 280 млн. сўмни ташкил қиласди.

Корхона томонидан ҳисоботда кўрсатилган солик базаси:

100 минг сўм (*ЭҲФ нарху*) * 1000 кв.м = 100 млн. сўмни ташкил қиласди.

Бундан камайтириб кўрсатилган солик базаси:

280 млн. сўм – 100 млн. сўм = 180 млн. сўмни ташкил қиласди.

Камайтириб кўрсатилган тушумдан соликлар қўшимча ҳисобланди:

$\text{ККС} = 180 \text{ млн. сўм} * 12\% \text{ставка} = 21,6 \text{ млн. сўм};$

Фойда солиги = $180 \text{ млн. сўм} * 15\% \text{ставка} = 27 \text{ млн. сўм};$

Жами 48,6 млн. сўм қўшимча соликлар ҳисобланиши лозим.

Агар “ABC” корхона **айланмадан олинадиган солик (AOC)** тўловчи ҳисобланса камайтириб кўрсатилган солик базаси

$\text{AOC} = 180 \text{ млн. сўм} * 4\% \text{ставка} = 7,2 \text{ млн. сўм}$ солик қўшимча ҳисобланиши лозим.

Битим нархи бозор нархидан паст бўлган ҳолатларда харажат усулини қўллаган ҳолда солик
базасини бозор нархи асосида аниқлашга
МИСОЛ

6-мисол. “Шагал” (20-40 маркали) маҳсулоти реализацияси бўйича.

минг сўм

Реализация қилинган товарнинг номи	Товарнинг реализация қиймати 1 куб.м учун		Харсанг тош	Иш ҳаки ва бошқа харажатла р	Транспорт механизм ва бошқа харажатла р	Сотилган маҳсулот хажми, куб м	Солик базаси (бозор нархи бўйича)	Солик базаси (ЭҲФ нархи бўйича)	Камайти риб кўрсатил ган солик базаси	Кўшилг ан қиймат солиги ва Фойда солиги
	Товарни харидорга сотиш нархи (ЭҲФдаги нарх)	1 куб. м. маҳсулотни ишлаб чиқариш харажати (бозор нархи)								
1	2	3	4	5	6	7	8	8	9	10
“Шагал” Маҳсулоти	50	100	30	20	50	10 000	1000 000	500 000	500 000	135 000

Солик органлари маълумотлар базасида (ЭҲФ дастури) “ААА” корхона томонидан 10000 куб.м 10 000 куб.м “Шагал” 20-40 маркали маҳсулотни “ВСА” корхона билан шартнома тузиб, 1 куб метрини 50 минг сўмдан жами 1,0 млрд. сўмга реализация қилинганлиги бўйича 2023 йил 1 апрель куни электрон хисобварак-фактура расмийлаштирилган.

Товар хом-ашё биржа, давлат харидлари маълумотлари шунингдек, солик органи маълумотлар базаси маълумотлари ўрганилганда “Шагал” маҳсулотини олди-сотди битими тузилмаганлиги, шунингдек харидор томонидан ўз истеъмоли учун ишлатилган бўлиб қайта сотилмаганлиги маълум бўлди. Шу сабабли Низомнинг 16-бандига асосан мазкур товарнинг бозор нархини харажат усулидан фойдаланиб аниқланди.

Солик назорати тадбирларида ушбу маҳсулотни 1 куб метрини ишлаб чиқариш учун қуидаги харажатлар амалга оширилганлиги аниқланди.

30 минг сўмлик харсанг тош (асосий хом ашё)

20 минг сўмлик иш ҳаки

30 минг сўмлик транспорт, механизм ва бошқа харажатлар

20 минг сўмлик фойда солиги тўлангунга қадар фойдаси

ЖАМИ 1 куб метр “шагал” 20-40 маҳсулотини ишлаб чиқариш учун 100 минг сўм сарфланган.

Юқоридагиларга асосан, “ААА” корхона томонидан солиқни камроқ тўлаш мақсадида 1 кв.м “шагал” маҳсулотини сотишдан тушган тушумни 50 минг сўмга (*жами харажат 100 минг сўм – 50 минг сўм ЭҲФ нархи*) камайтириб кўрсатилган.

Шундан келиб чиқиб, солик базаси маҳсулотнинг **бозор нархи (харажат усули)** асосида ҳисобланганда:

100 минг сўм * 10 000 куб.м = 1000,0 млн. сўмни ташкил қилади.

Корхона томонидан ҳисоботда кўрсатилган солик базаси:

50 минг сўм (*ЭХФ нархи*) * 10 000 куб.м = 500 млн. сўмни ташкил қиласи.

Бундан камайтириб кўрсатилган солиқ базаси:

1000 млн. сўм – 500 млн. сўм = 500 млн. сўмни ташкил қиласи.

Камайтириб кўрсатилган тушумдан солиқлар қўшимча хисобланди:

КҚС = 500 млн. сўм * 12 %ставка= 60,0 млн. сўм;

Фойда солиги = 500 млн. сўм * 15 %ставка = 75 млн. сўм;

Жами 135,0 млн.сўм қўшимча солиқлар хисобланиши лозим.

Агар “ААА” корхона **айланмадан олинадиган солиқ (АОС)** тўловчи хисобланса камайтириб кўрсатилган солиқ базаси

АОС=500 млн. сўм*4 %ставка=20,0 млн. сўм солиқ қўшимча хисобланиши лозим.

Битим нархи бозор нархидан юқори бўлган ҳолатларда таққосланадиган бозор нархи усулини
кўллаган ҳолда солиқ базасини аниқлаш бўйича
МИСОЛ

**7-мисол. “Металл лист” (4 мм) товарини импорт шартномасига асосан хариди
бўйича**

Импорт килинган товарнинг номи	Импорт товарнинг киймати (млн. сўмда)		Импорт килинган товар ҳажми тн	Корхона хисоботи бўйича харажатда хисобга олинган сумма (млн. сўм)	<i>Боъжхона маълумоти (бозор нархи), бўйича харажатда хисобга олиниши лозим (млн. сўм)</i>	Камайтириб кўрсатилган солиқ базаси (ошириб кўрсатилган харажат)	Кўшилган кыймат солиғи	Фойда солиги
	Товарнинг импорт шартномадаги нархи 1тн учун	Боъжхона органидан келган маълумотдаги нарх 1 тн учун						
Металл лист 4 мм	12	8	1 000	12 000	8 000	4 000	480	600

Солиқ органлари маълумотлар базасига божхона органларидан келган маълумотга асосан “BBB” корхона томонидан Россия Федерациясининг “CCC” компанияси билан 2023 йил 1 ноябрда тузилган импорт шартномасига асосан 1000 тн “металл лист 4 мм” товарини 1 тн учун 12 млн. сўм (МБ курси бўйича сўмда ҳисобланган)да келишилиб жами 12 млрд. сўмга харид қилганлиги, шу билан бирга ушбу товарнинг ҳақиқий нархи 1 тн учун 8 млн. сўм эканлиги тўғрисида маълумот келган.

Низомнинг 19-бандига мувофиқ, 1 тн товарни 4 млн. сўмга юқори нархда харид қилганлигидан келиб чиқиб 1 000 тн маҳсулотни 4 млрд. сўмга юқори қийматда олиб келган.

Юқоридагиларга асосан корхонанинг солиқ базасига 4 млрд. сўм (12 млрд. сўм – 8 млрд. сўм) қўшилиши натижасида ундан 15 foiz **600,0 млн. сўм фойда солиги** қўшимча ҳисобланиши лозим.